БИРИНЧИ ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Учкўприк туманида биринчи хусусий шифохона иш бошлади. Қарийб 15 йилдан бери ишлаб келаётган жаррох Акрамжон Қодиров хусусий шифохона бунёд этди. Хирургия, гинекология, стоматология, физиотерапия, диагностика каби бўлимлардан иборат замонавий шифохона биноси ишга туширилди. Шифохонада 5 малакали врач ҳамда тиббиёт ҳамширалари беморларга хизмат кўрсатмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

АСАДИЛЛО ХОЛИҚОВ-ВИЛОЯТ БУЛБУЛИ

Гулистонда Ўзбекистон қўшиқ байрамининг вилоят босқичига якун ясалди. Гулистонлик Асадилло Холиқов вилоят биринчилигини қўлга киритди. Унинг "Сўнгги қўнғироқ" қўшиғи ҳаммага манзур бўлди. Бу йилги совриндорлар орасида, шунингдек, ховослик Дилшод Каттабеков, сирдарёлик Раим Абдураҳимов ва бошқа иқтидорли санъаткорлар бор.

Абдужалил УМАРОВ.

"Бухоро" меҳмонхонаси меҳмонларга мунтазир Р. Шагаев (ЎзА) олган сурат.

ҚИШЛОҚ МАКТАБИ ЮНЕСКО ДАСТУРИДА

Шаҳрисабз туманидаги 32-ўрта мактаб ЮНЕСКО ташкилотининг "Бирлашган мактаблар дастури"га аъзо бўлди. Мактабда ўқувчиларнинг 30 фоизи чуқурлаштирилган дастур асосида таълим олмоқда. Билим маскани банкда жорий ҳисобга эга. Ёрдамчи хўжаликда ва меҳнат кўникмаси устахоналарида касблар ўргатилаётганлиги юқори самара бермоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

ЮЗ МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Қўқондаги 16- билим юрти ўқувчилари "Ўзсаламандр" қўшма корхонаси маҳсулотларини тайёрлашда қатнашишмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасида ана шу янгилик диққатни тортди. Республикадаги 443 та билим юрти кўргазмада юз миллион сўмлик маҳсулотларни истеъмолчилар диққатига ҳавола этди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 3 июнь, сешанба № 64 (22.148).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институтида зилзилага бардошлилик муаммоларига бағишланган иккинчи халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикасининг етакчи олимлари иштирок этишди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Кеча Францияда парламент сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Миллий мажлис —парламентнинг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловда 577 ўриндан 565 тасига вакил сайланди. Чунки 12 номзод дастлабки турдаёқ ғалаба қозонган эди. Умуман, сайловда сўл мухолифатнинг қўли баланд келди.*

* * *

☑ *АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Слободан Милошевичдан Дейтон шартномалари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни сўзсиз бажаришни талаб қилди.*

* * *

☑ *Ҳиндистон Бош вазири Кумар Гужрал агар унинг мамлакати бошқа ядро давлатлари билан бир хил шароитда бўлолмаса ядро материалларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги шартномани имзоламаслигини айтди.*

* * *

☑ *Латвия Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги масалани Хитойда муҳокама этиш учун Пекинга жўнаб кетди.*

* * *

☑ *Чехия ва Польша қуролли кучлари ҳамкорлигида 800 нафар ҳарбийдан иборат батальон тузиладиган бўлди. Мазкур батальон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳарбий машқлар ўтказади.*

* * *

☑ *БМТ Хавфсизлик Кенгаши собиқ Зоир давлати ўрнида вужудга келган Конго Демократик Республикасини (КДР) қўллаб-қувватланажаги ҳақида махсус баёнот эълон қилди.*

* * *

☑ *НАТОнинг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Унда мазкур ташкилотга аъзо 16 мамлакат ҳамда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок этаётган 27 давлат ташқи ишлар вазирлари иштирок этмоқда. Сессияда сиёсий маслаҳатлашув ва ҳарбий ҳамкорлик ташкилоти — Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилгани эълон қилинди.*

ПРЕЗИДЕНТ АЛМАТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасига жўнаб кетди.

Мазкур сафар мамлакатимиз раҳбарининг қўшни Қозоғистонга илк расмий ташрифидир. Президент Ислом Каримов сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида ташрифнинг мазкур жиҳати ўзига хос аҳамият касб этишини таъкидлади:

— Авваламбор, айтиш жоизки, биз Қозоғистонга илгари кўп сафар қилганмиз ва ўз навбатида Қозоғистон раҳбарлари ҳам кўп бора Ўзбекистонга ташриф буюришган. Мамлакатларимиз ўртасидаги борди-келди мунтазам давом этиб турибди. Қозоғистонга ушбу илк расмий ташрифимизнинг эса алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини таъкидламоқчиман. Яъни, мамлакатларимиз мустақиллигининг расмий даражасини халқаро майдонда янада яққолроқ кўрсатиш учун шундай ташрифлар бўлиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ўзаро абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманд имзолаган. Ҳар томонлама ўзаро алоқаларимизга пойдевор бўлиб хизмат қилувчи мазкур ҳужжат асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора равнақ топаётир. Шу маънода, Қозоғистонга ташрифимиз бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Ташриф давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шериклик алоқаларини мувофиқлаштириш, сармоя киритиш, транспорт, божхона ишлари ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Шу ўринда, мазкур ҳужжатлар ўзаро алоқаларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини айтиб ўтмоқ лозим.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари минтақада хавфсизлик масаласи ҳақида ҳам тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Умуман, минтақа хавфсизлиги масаласи ҳаммамиз учун ҳам муҳим. Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Қирғизистонга қандайдир ташқи хавф туғилгудек бўлса, бунинг ҳаммамизга таъсири борлигини унутмаслигимиз керак. Афғонистонда кечаётган воқеаларга муносабат билдиришда ҳам худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб гапириш лозим бўлади. Қозоғистонда бўлажак музокаралар чоғида ушбу масала юзасидан ҳам ўзаро кенгашиб олинади. Афғонистонда юз бераётган воқеаларга биз ўз муносабатимизни яқинда Ашгабадда бўлиб ўтган саммитда аниқ-тиниқ баён қилган эдик. Шу ўринда бир гапни айтиш керак, деб ўйлайман, яъни юртимиз хавфсизлиги, халқимиз тинчлигини таъминлаш борасида керакли чора-тадбирлар кўрилган.

Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кузатиб қолди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 3 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,36
1 Австрия шиллинги	5,07
1 Англия фунт стерлинги	100,05
10 Бельгия франки	17,28
1 Голландия гульдени	31,70
10 Греция драхмаси	2,26
1 Дания кронаси	9,36
1 БАА дирхами	16,65
1 АҚШ доллари	61,12
1 Миср фунти	18,08
1 Ирландия фунти	92,47
1 Исландия кронаси	0,87
10 Испания песети	4,21
100 Италия лираси	3,59
1 Канада доллари	44,48
1 Хитой юани	7,37
1 Кувайт динори	202,38
100 Ливан фунти	3,98
1 Малайзия рингтити	24,30
1 Германия маркаси	35,69
1 Норвегия кронаси	8,56
1 Польша злотийси	19,06
10 Португалия эскудоси	3,52
1 Сингапур доллари	42,71
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркаси	11,84
1 Франция франки	10,54
1 Швеция кронаси	7,89
1 Швейцария франки	43,16
1 ЭКЮ	69,31
10 Жанубий Корея вони	0,69
10 Япония иенаси	5,26
1000 Россия рубли	10,59
1 Украина гривнаси	32,86
1000 Белорусь рубли	2,29
1 Эстония кронаси	4,82
1 Латвия лати	107,42
1 Литва лити	15,28
1 Қозоғистон тенгеси	0,81
1 Қирғизистон соми	3,44

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



«ЎзДЭУавто»да компьютер сабоғи. Х. АРАББОЕВ олган сурат.

ЯНА 300 ТОННА ПИЛЛА

НАМАНГАН. Вилоят «кумуш тола» усталари Ўзбекистон мустақиллигининг олтинчи йилида ҳам пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Омборларга 2050 тонна хом ашё етказиб берилди. 40 минг 500 қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 58 килограммдан ҳосил олинди.

Эришилган натижага Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган, Учқўрғон, Мингбулоқ, Уйчи, Норин, Чортоқ туманлари пиллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Бу туманларда шартнома режалари 125 фоизгача бажарилди. Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, яна 300 тонна пилла тайёрланади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Иқтисодиёт олами

«БАЙЕР-АГ» ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

БУХОРО. Германиянинг «Байер-АГ» фирмасида ишлаб чиқарилган «Раксил», «Гаучо», «Бульдок» препаратлари экинлар зараркунандаларини йўқотишда қўл келадиган бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, «Раксил» препарати ғалла уруғлигига таъсир эттирилса, бошоқни қоракуя кемирмас экан. «Гаучо» препарати билан ишланган чигит униб чиққандан сўнг, икки ойгача барча сўрувчи ҳашаротларга қарши курашувчан бўларкан.

Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясида ўтказилган мулоқотда «Байер-АГ» фирмаси вакили доктор К. У. Бругген ўзбекистонликлар билан бундан буён ҳамкорликни мустаҳкамлаяжагини айтди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

АЛМАТИ, 2 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди. Алмати аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазири А. Кожегелдин ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қозоғистон Президенти саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев пешвоз чиқди. Шу ерда мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Қозоғистон Президенти қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Шундан сўнг, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокараларда, айниқса, эркин савдо, ўзаро сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, қонунчилик соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашувини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан кўплаб фикрлар алмашилди.

Икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотиқ, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга «Алтын қиран» (Олтин бургут) орденини тақдим этди. Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоевнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда икки мамлакат давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати ҳамда бўлиб ўтган музокаралар натижалари ҳақида сўз борди.

Кечқурун Алматидаги республика саройида Президент Ислом Каримов шарафига қозоғистонлик санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Оқшом Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев номидан қабул маросими бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

КОРХОНА БЕДАРВОЗАМИ?

Музработ техника таъмирлаш таъминот идорасининг солиқдан қарзи бир миллион сўмдан ошиб кетди. Ҳа, десангиз жавоб деймизми, баҳона деймизми, ўша-ўша эски гапни эшитасиз — пул йўқ.

Пулинг бўлмаса, молинг бордир-ку, деган қарорга келишди-да, солиқчилар корхонанинг иккита енгил машинасини хатлаб қўйишди.

Мол аччиғи-жон аччиғи деган гап рост экан. Идора солиқни тўлай солиб, машиналарини қайтариб олди.

Ишни ишга улашга уста солиқчилар тумандаги қурилиш анжомлари ишлаб чиқарадиган корхона (бу идорани ҳамма қисқартма от билан КСК деб айтади) га ҳам шу тажрибани қўллайман деб турган жойларида... бошлари қотиб қолди.

Гаровга корхона бошлиғининг хизмат машинасини — «ГАЗ—31»ни хатламоқчи эдилар. Қарасаларки, (машинада давлат рақами 50-87 СДА), машинага масъул одамларда машинанинг ҳужжати йўқ. Эмишки, Абдирашид Шомуродов — корхонанинг собиқ бошлиғи, кўтарилипти. Вилоят марказидаги мазкур корхонага бевосита раҳбар бўлмиш трест бошқарувчиси вазифасига тайинланипти. Ва не зарурату не иштиёқ билан 50-87 рақамни ўзига хизмат қилиб турган бошқа машинага тақиб юрганмишми?

Бу ҳолатдан ажабсинган солиқчиларнинг, нима корхона бедарвозами, деган саволига шу корхонага тегишли бўлган иккинчи бир ҳолат савол бўлиб қўшилди.

Эшитинг: Шомуродовнинг жойига, яъни қурилиш корхонасига Олим Маматалиев деган акафақат солиқчилар эмас, эҳтимол бошқа идоралар ҳам воқиф эди. Бошқарма солиқни тўлашни чўзгандан чўзаверди. Жарима тўрваси идоранинг силласини қуритар даражада қаппаяверди. Ва туман суди ўзи нима гап, деб Маматалиевнинг ҳисоб-китоб дафтарини варақлайман деб турганда у ўзини қурилиш анжомлари корхонасининг панасига олгани эшитган билганларни лолу ҳайрон қолдирди.

Ичимлик сув бошқармасига янгитдан тайинланган раҳбар — З.Ражабов саранжом-саришталн одам экан. Идорани эски супириндилардан тозалади. Жарима-парима билан қўшиб, олти миллион сўмдан зиёд солиқ тўлади. (Ишлайман деган имкон топганини кўринг).

Қурилиш анжомлари корхонасида-чи? Маматалиев бошлиқ бўлиб ўтиб, солиқдан қарздорлигу жарима ўсганидан ўсиб бормоқда. Бир миллион 600 минг сўмдан (шунинг 406 минг сўмдан зиёди жарима) ошиб қолмоқда.

Кунига кунгабоқарлардан тез ўсувчи жариманинг жабридан бундан буён корхона дарвозасининг ошиқмошиқлари қўшиқ айтиб, йўқ, нола чекиб бошлар...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУКРОНА ВА МАСЪУЛИЯТ

Депутат минбари

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида республика Олий Мажлиси депутати сифатида партиядошларим ҳузурида ҳисобот бердим. Ҳисоботга тайёрланар эканман, мамлакатимиз ҳаётида кейинги йилларда кечган буюк тарихий воқеалар хаёлимдан ўтди. Мен 1990 йилдан буён республика парламенти аъзосиман. Каминага халқимиз икки карра ишонч билдирганидан фахрланаман. 90-йиллар бошларида Бувайда тумани марказий шифохонасида бош врач бўлиб ишлардим. Тоза ичимлик суви етишмаслиги, деҳқончиликда заҳарли кимёвий моддаларнинг беаёв қўлланилиши туфайли авж олган юқумли сариқ, ошқозоничак касалликларининг хуружи, камқон, касалманд аёллар, болалар ўлимининг юқорилиги...

Ўша йиллар Ўзбекистоннинг ушбу манзараларига эл гувоҳ. Бахтимизга юрт узра истиқлол қуёши балқиди. Юртбошимиз Ислом Каримов республиканинг энг олий минбаридан туриб Ватан мустақиллигини эълон қилган лаҳзалар ҳаётимдаги энг бахтли дамлар ҳисобланади.

Томчида қуёш акс этганидек, мен депутат этиб сайланган Бувайда ва Боғдод туманлари қишлоқларининг кейинги йилларда кескин ўзгарган қиёфаси мустақиллик шарофатидан дарак беради. Масалан, 1991 йили Бувайда тумани бўйича биттагина қишлоқ газлашган ва тоза ичимлик суви билан таъминланган эди. Мустақиллик йиллари туманнинг 90 фоиз аҳолиси хонадонларига табиий газ ва тоза ичимлик суви етиб келди. Туман марказий шифохонаси қайта таъмирланди ҳамда энг замонавий чет эл тиббиёт асбоблари билан жиҳозланди. Шу кунларда Боғдод туманида узунлиги 11 километр бўлган катта газ қувури ётқизиш ишлари қизғин кетяпти. Қувур ишга туширилиши билан туман тўлиқ газлаштирилиб бўлинади. Бувайда туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида 300 ишчи ўрнига эга бўлган гиламсозлик фабрикаси қурилиши ниҳоясига етяпти.

Халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган мана шундай савобли ишларда депутат сифатида ҳиссам борлигидан қувонаман. Мустақилликка шукрона айтаман.

Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини ҳам тушунаман. Ўз сайловчиларим билан учрашар эканман, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги баъзи муаммолар, камчиликлар диққатимни тортади. Президентимиз республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таъкидлаганларидек, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти талаб даражасида эмас. Биз, депутатлар қабул қилган қонунлар моҳиятини кўпчилик яхши тушунмайди. Баъзилар эса шундай қонунлар борлигидан бехабар ҳам. Қишлоқ жойларда юридик маслаҳатхоналар, ҳуқуқий тарбия бериш масканлари йўқ даражада.

Шу ўринда республика телевидениеси намойиш этаётган ҳуқуқий кўрсатувлар, давра суҳбатларининг эфирга узатилиш вақти ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг шароитига мос келмаслигини айтмоқчиман. Маълумки, қишлоқ одамлари эрта ётиб, эрта туришади. Юқоридаги кўрсатувлар эса кўпинча соат 21 дан кейин эфирга чиқаяпти. Депутат сифатида ўз сайлов округим ҳудудидаги қишлоқлар аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, аждодларимизнинг шу соҳага оид меросини тарғиб қилиш, округдаги тегишли муассасалар билан ҳамкорликда ҳуқуқий-маърифий ишлар таъсирчанлигини кучайтириш юзасидан ўз иш режамни тузиб олдим. зеро, депутат нафақат халқ вакили, балки республикада кечаётган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ислоҳотлар уйғунлигини таъминлашга ҳам масъул шахсдир.

Юсуфжон НИШОНОВ,
Фарғона Давлат университети тиббиёт маркази кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Партия ахбороти

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган Бобур номли истироҳат боғида катта байрамга айланиб кетди. Бу яшил шаҳарчадаги турли-туман ўйинлар болалар ихтиёрида. Стол тенниси, шахмат-шашка, йўлакчага расм чизиш, «Ким чаққон» ва шунга ўхшаш спорт турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилди. Республика қўғирчоқ театри санъаткорлари эса қўғирчоқ томошалари тайёрлаб, болаларимизни хушнуд этдилар.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш йилида келажаги буюк давлатнинг кичик авлодларига атаб ўзига хос тадбирни ташкил этган Яккасарой тумани ҳокимияти ва шу туман ХДП кенгаши ходимларининг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Тошкент шаҳрининг барча туман партия кенгашлари ҳам шундай қизиқарли тадбирлар ўтказди.

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши котиби.



«Ўзжиззахантеп» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси тўқувчиси Дилбар Маткаримова.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ислоҳот ва иқтисодиёт

МАҚСАД — МАҲАЛЛИЙ БОЗОРНИ ТЎЛДИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимиз бозорини сифатли моллар билан таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида анчагина ишлар қилинди. Айниқса, 1996 йилда республикамиз енгил саноати ходимлари бирмунча ютуқларга эришдилар. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор дастурига биноан тармоқни янада ривожлантириш учун янги қувватларни яратиш, янги корхоналарни бунёд этишни якунлаш ва ишлаб турган корхоналарни замонавий техника ва илғор технология билан таъминлаш, чет эл инвестицияларини, банклардан олинадиган қарзларни рақобатбардош ва жаҳон талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жалб этиш ишларига сарфлаш, айниқса юксак сифатли молларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётир.

Бинобарин, Намангандаги «Аснам-Текстиль» қўшма корхонаси ҳам мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотларни янада кўпайтириш мақсадида ташкил этилганди. Ушбу корхонага бундан икки йил аввал асос солинганди.

Ушбу қўшма корхонанинг ташкил этилишига ўзбек-турк мутахассисларининг бир ёқадан бош чиқариб астойдил ҳаракат қилганликлари асосий омил бўлди. Қисқа муддатда пахтадан сифатли ип тайёрлашга ихтисослашган корхона қуриб битказилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қўшма корхонани бунёд этиш учун салкам 7 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит қарзлари олинди. Германия Федератив Республикасидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Бу ишга туркиялик мутахассислар бош-қош бўлишди. Айниқса қўшма корхонанинг Туркия томонидан раҳбари Яшар Тюзюн ва фирма президенти Али Нарин ушбу соҳанинг ҳақиқий билимдони эканликларини кўрсатишди.

— Биз, — дейди «Аснам-Текстиль» ўзбек-турк қўшма корхонасининг Ўзбекистон томонидан бош директори Мухторжон Халилов. — Ишлаб чиқаришни тезда йўлга қўйишга ҳаракат қилдик. Айниқса, маҳаллий кадрларни кенгроқ жалб этишга интилдик. Шу боис ҳам анчагина ёш йигит-қизлар корхонамизга ишга келишди. Ҳозирги пайтда 530 киши астойдил меҳнат қиляпти. Шуниси диққатга сазоворки, ишчиларимизнинг кўпчилиги юксак малакага эга. Ўз режаларини ортиғи билан бажаришаётир. Шу боис ҳам корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати тобора ошиб бораётир.

Ҳақиқатан ҳам корхона раҳбари айтганидек, қувват йилдан-йилга ошиб бормоқда. Режа бўйича ойига 250 тонна калава ип тайёрланиши мўлжалланган бўлса-да, бу кўрсаткич 300 тоннадан ошиб бораётир. Йиллик қувват эса 3 минг тоннадан ортиб кетди.

Корхонада ўтган йили кўзга кўринарли натижалар қўлга киритилди. Режадаги 2160 тонна ўрнига 2338 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда 109,5 миллион сўмдан зиёд бўлди. 83 миллион 748 минг сўм фойда олинди. Бу маблағнинг анчагина қисми кредит қарзларини тўлашга сарфланди.

Корхонанинг Туркия томонидан раҳбари Яшар Тюзюннинг айтишига кўра инвестиция учун олинган қарзлар 8 йил ичида қопланиши керак. Ҳозиргача ана шу қарзнинг анчагина қисмидан қутулиб бўлишди.

Корхона ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб тайёрланган маҳсулотлар асосан Туркиянинг ўзига ва бошқа хорижий мамлакатларга жўнатиларди. Бинобарин сифатли маҳслуотни ҳамма мамлакатлардаги шериклар ҳам қувонч билан сотиб олишади. Шу йўл билан бирмунча валюта ҳам ишлаб топилди ва қарзнинг бир қисмидан халос бўлинди. Эндиликда Ўзбекистонимизнинг енгил саноат корхоналарига ҳам сифатли ип-калава маҳсулоти зарурлигини ҳис қилган корхона жамоаси маҳсулотни Ватанимизда сотишаётир. Агар кимки ўз вақтида маблағ ўтказса, маҳсулотни ҳам олаверади.

Юқоридаги фикрлардан корхонада ишлар бир меёрда, ҳеч қандай муаммосиз давом этаётган экан, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бу ерда ҳам муаммолар бор. Ана шундай муаммолардан бири сифатли пахта толаси масаласидир. Зеро, корхона учун асосан биринчи навли, тўртинчи типдаги тола зарур. Бундай толани фақат Намангандан эмас, балки Андижон, Фарғона ҳатто Хоразмдан келтиришга тўғри келаётир. Баъзан хом ашё келтиришда узилишлар бўлиб туради. Шу муаммо тезроқ ҳал қилинса, корхона лойиҳадаги қувватга янада тезроқ етган бўларди.

Ҳозирча қўшма корхона меҳнаткашларининг руҳи тетик, чунки улар ўз вақтида маош олиб туришибди. Ишчиларга овқат пули ҳам бериляпти. Касаба уюшмаси раиси Гавҳар Абдуллаеванинг айтишига қараганда ишчиларга транспорт хизмати ҳам кўрсатилаяпти.

Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган мустақиллигимизнинг олтинчи йили корхона жамоаси учун унутилмас бўлиб қолади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Ҳуқуқ ва шахс

ЖИНОЯТНИ БИЛМАЙ ҚИЛГАН ЖИНОЯТЧИ

Яқинда бир узоқ танишим келиб қолди. Салом-аликдан сўнг, «атайлаб қидириб келдим» дея, чўнтагидан бир хатни чиқариб менга берди. Маълум бўлишича, унинг 20 яшар ўғли бундан 2 йилча бурун «ёшлик қилиб» қамалиб қолган экан. Хат ўшандан экан.

— Менга ёзилганми? — деб сўрадим. Чунки унинг ўғлини танимас эдим. Қолаверса, қамалиб қолгач, ёрдам сўраб газета-журналга мурожаат қилувчиларни кўп кўрганмиз, шунгами сал энсам қотди.

— Йўқ, менга, — деди ота. — Фақат Сиз бир ўқиб чиқсангиз, балки газет-пазетда бостирарсиз. Кейин 5-6 та шеърлари ҳам бор...

Тушунарли. «Ҳали шоирликлари ҳам бор экан-да» деб қўйдим ичимда. Ота хатни қолдириб кетди. Анчагача уни ўқишга ҳафсала қилмадим. Бир куни нима бўлдию, хатни ўқиб кўрайчи, нима гап экан деб очдим.

«Ассалому алайкум, дада!

Яхши ўтирибсизларми? Қийналмаяпсизларми? Онам яхшиларми? Сизларни юзингларни ерга қаратиб қўйганим учун бир умр айбдорман. Энди ёнингларга кириб, фойдам тегадиган пайтда сизларни қишлоқ, юрт олдида шарманда қилдим. Билмадим кечира оласизларми, йўқми? Лекин соғ-омон қутилиб чиқсам, барча гуноҳларимни юваман. Бунга ишонаверинглар. Дада, келганларингда чиқмаганим учун узр. Тўғриси юзингларга қандай қарайман деб ўйладим. Олиб келган нарсаларингизни ташлаб кетибсизлар. Шунга ҳам раҳмат. Бундай нарсалар бу ерда «перадача» дейиларкан, анча қадрланаркан. Лекин мен отрядда ҳам ҳаммага айтганман, менга ҳеч нарса бошқа келмайди, чунки айбимни ўзим, фақат ўзим ювишим керак. Назаримда, улар ҳам тушунишди.

Дада, мана ўша лаънати кундан бери бир ярим йил ўтди. Лекин ҳар куни тушларимга кираверади. Уйғонсам, кўз ўнгимдан кетмайди. Мени тўй кунимни тайин қилганларингда айтган эдим-ку ҳали ёшман, пича ишлаб, пул-мул топай деб. Қўймадинглар. Қишлоқда ўзингиз биласиз иш йўқ.

Бекор юрмай деб, боғдаги олмаларни узиб, яшикка жойлаб, бошқалар қатори Тошкентга, Олой бозорига жўнадим. Шериклярим билан жойлашиб, савдони бошлаб юбордик. Бир-икки кун яхши бозор бўлди. Кейин ёғингарчилик бошланиб, бозорда ҳам одам сийраклашди. Зерика бошладик. Анчадан бери шу ерда олди-сотди қилиб юрган ҳамкишлоқ бола чеккага чақириб «қуруғидан бор, тортмаймизми» деди. Дада мен сизни ҳеч ким алдамаганман. Эсингиздами, 8-синфда макка чопишга борардик. Бир кун синфдош болалар дала четида сигарет чекаётганимизда кўриб қолгансиз, лекин кечқурун уйга келгач ургансиз. Ўшанда «чекиш энг ёмон иллат» дегандингиз. Шундан бери ўзингиз ҳам билардингиз, умуман оғзимга олмаганман.

Анави шеригимнинг гапини эшитиб, нима у «қуруғи» деб сўрадим. — Вой каллаварамей, шуни ҳам билмайсанми, наша-да, — деди. Қўрқиб кетдим. У кулди. Нима шунчалик қўрқоқмисан, дея мазах қилди. Жаҳлим чиқди.

— Қаерда тортамиз-деб юборганимни билмай қолдим.

— Қаерда бўларди, шу пештахтанинг тагида тортамиз, қўямизда, — деди бемалол.

Пастга шўнгиб, у тайёрлаган қўлбола «папирос»дан 1-2 тортган ҳам эдим, ҳали унинг таъсирини ҳам сезиб улгурмовдим, биздан 5-6 ёш каттароқ йигит ёнимизга ўтириб, чўнтагидан ҳужжат кўрсатиб, «жиноят қидирув бўлимиданман» деди. Тахта бўлиб қотиб қолдим. Нафасим ичимга тушиб кетди. Иккаламиз ҳам гапиролмай қолдик. Бу ёғи ҳаммаси унинг йўриғи билан бошланди. Ташқарида иккита шериги ҳам бор экан. Қизиқ, ҳаммаси ҳам милиция формасини киймаган. Олдин ҳам шу атрофларда юрарди. Шу ерда ишлайдиганлардан деб ўйлардим. Дарров гувоҳлар топилди. Ёзув-чизув бошланди. Шунда бояги жиноят қидирув вакилининг шериги бизни чеккага чақириб, «менга қараларинг, иккаланг ҳам жувонмарг бўлиб кетасанлар, тузук болага ўхшайсанлар, яхшиси иккаланг ҳаракатингни қил. Бўлмасам кўп пушаймон бўласанлар» деди. Чиндан ҳам у ҳақ экан. Ҳозир еганимиз фақат пушаймон. Агар ишлар бунақа айланиб кетишини билганимда, жонимни гаровга қўйиб бўлса ҳам айтганини топардим.

Афсус, қўлимдан ҳеч нарса келмади. Улар ўша гапдан кейин тўнларини тескари кийиб олишди. Шеригимнинг чўнтагидан қолганини ҳам топиб олишди. Ҳаммаси 10 грамм экан дейишди. Бу катта миқдор саналар экан. Шу ерда, дада, мен катта хатога йўл қўйдим. Эсимда сизнинг «чекиш энг ёмон иллат, у бир куни одамни абгор қилади» деган гапларингиз бор эди, шунгами ёки айбимизни енгиллаштираман дебми, «биз буни сотмоқчи эдик» деб юбордим. Улар хурсанд бўлиб кетишди. «Шуни иккаланглар ҳам ёзиб берінглар» дейишди. Ёзиб бердим. Нима, ҳамма нарса сотилади, арақ сигарет, яна алламбалолар, у ҳам шу қатори деб ўйлаб, қўрқмадим. Жарима қилар, нари борса, олмамни олиб қўяр, боринг, 15 кунга қамар деб ўйладим. Йўқ, мен янглишган эканман. Наша — гиёҳванд моддага кираркан. У бутун жаҳон бўйича таъқиқланган экан, Гиёҳванд моддани истеъмол қилишдан ҳам уни сотиш энг оғир жиноятлар қаторига кирар экан. Биз эса буни билмай, қайтангга ўзимизни ўзимиз жиноятчига айлантириб қўйибмиз. Тергов давомида, аниқроғи унинг охирида бунга ақлимиз етди. Лекин кеч бўлган эди. Судда тушунтирмоқчи бўлдик. Лекин ўз қўлимиз билан ёзиб берганларимиз ўз бошимизга етди.

Мана шунақа гаплар, дада. Ҳозир қамоқда ўтирибман. Нақ 8 йил беришди. Бир ярим йил ўтган бўлса-да, ҳалиям титраб кетаман. Мен ҳозир «оғир жиноятчи» тоифасига кираман. Дод деб юборгим келади. Лекин бефойда. Фақат чекиб турганимизда ушланганмиз. Ёнимиздан чиққан. Агар ўшанда «ҳа чекамиз» десак, анча енгил бўларкан. Ҳозир ёнингизда ўтирган, сизга алам ва азоб билан ушбу хатни ёзаётган бўлмасдим.

Майли, дада, сизни ҳам сиқиб юбордим. Шу пайтгача ҳеч кимга хат ёзмовдим. Кеча яна битта менга ўхшаганни олиб келишди. Магазинда қоровул экан. Кечқурун қорни очиб, уйга нон-понга бориб келгунча, дўконни ўғри уриб кетибди. Магазин эса хусусийлаштирилган экан. Қаматиб юборибди. Улар ҳам менга ўхшаб қонунни билмаганларидан шу ерга келиб ўтиришибди.

Дада, Тошкентда журналист танишим бор дегандингиз. Шунга бориб айтинг, газеталарда ёшлар қонунни яхши билиши кераклиги тўғрисида ёзсин. Зора шунда менга ўхшаган бесаводлар кўзи очилармиди? Лоақал бир киши шундан қамалмай қолса, қонунни ўрганса, шуни ўзи катта гап. Бу ердаги киши бутун дунё бойлигини бир кунлик озодликка алишишга тайёр. Шунинг учун албатта шу ҳақда ёзиш керак. Кейин 5-6 та шеър ҳам ёзгандим. Шуни ҳам бериб қўйинг. Ўзингиз ўқимасангиз ҳам майли. Ўша қизга аталганди. Бошқасига тегиб кетгандир. Майли, тегаверсин, мен унга энди муносиб эмасман. Ўзим эса, қоидани бузмасликка, топшириқларни вақтида уддалашга ҳаракат қиляпман. Отрядда обрўйим бор. Шу пайтгача иккита мақтов ёрлиғи олдим. Худо хоҳласа тезда дийдор кўришамиз».

Хатни ўқиб, анчагача таъсирланиб юрдим. Бирор нашрда чоп эттиришни ҳам ўйлаб қўйдим. Бу орада Президентимизнинг ҳуқуқ идорасидаги раҳбарлар билан бўлган учрашуви яна шу хатни эсга солди. Учрашувда айтилганидек, баъзан фуқаролар қонунни яхши билмасликлари туфайли жиноятга қўл урадилар. Чиндан ҳам ҳуқуқий тарбия чуқурлаштирилмаса, шу хат қаҳрамони сингари жиноятчилар камаймайди. Умуман ҳуқуқий тарбия нима, у кимларга қачон берилади? Кўпчилик ҳуқуқий тарбия қамоқдагиларга ва қамоқдан чиққанларга берилади дейди. Аслида ҳуқуқий тарбия ҳаммамизга маърифий тарбия ахлоқий тарбия қатори берилиши керакмасми? Бизда қонунга итоат қилиш керак дейилади. Тўғри. Лекин аслида қонунни ҳурмат қилиш керак. Қонунни ҳурмат қилган одам ҳеч қачон унга зид иш қилмайди.

Нега мактабда логарифмларни ёддан билиш шарт, қандайдир аксиомаларни ўргатилади-ю, қонунлар, Жиноят кодекслари ўргатилмайди?! Бироз ғалати бўлса-да, эксперимент ўтказилса, бир синф Жиноят кодескини моддама-модда ўрганса, иккинчисидан фарқли ўлароқ, улар орасида жиноятчилар чиқишига ишониш қийин.

Мактабларнинг юқори синфларида ҳуқуқий дарсларга кўпроқ вақт ажратиш лозим. «Ҳуқуқ асослари» фани айрим жойларда бор. Лекин унда ҳуқуқ фанининг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилмасдан, балки бевосита мустақил Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини тушунтириш ўқувчилар учун таъсирли бўлади. Гиёҳванд моддалар сотиш, бировни ҳақорат қилиш, мол-мулкини ўғрилаш, товламачилик, пул алмаштириш қоидаларини бузиш, судхўрлик, пора бериш каби жиноий ҳолатларнинг айримлар оғир оқибатларини, улар ҳуқуқ нуқтаи-назаридан қандай баҳоланиши, бунинг учун қандай жазо берилишини билмайдилар.

Худди шундай юқори синф ўқувчиларини, айниқса йигитларни, жойлардаги ахлоқ тузатиш муассасаларига вақти-вақти билан ҳуқуқ идоралари вакиллари бош-қошлигида олиб бориш, у ердаги ҳаёт билан таништириш, ўз айби учун афсус қилаётган ёшларнинг гапларини эшитиш унчамунча қуруқ ваъзхонликдан кўра ёшларнинг кўзини очади.

Чунки кўплаб жиноятлар биз қонунни билмаганимиздан содир бўлади.

Аҳрор АҲМЕДОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭСКИ АНДОЗАЛАР, МУЖМАЛ БАҲОНАЛАР»

Газетанинг 1997 йил 27 март сонида чоп этилган «Эски андозалар, мужмал баҳоналар» сарлавҳали мақола юзасидан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари томонидан текширув ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди:

текширув натижаларига кўра, ушбу мақолада кўтарилган масалалар ўз исботини топди, жумладан:

1985 йилда чиқарилган УАЗ-469 автомашинасини 26.01.90 йилда, яъни 5 йилда ва 1990 йилда чиқарилган РАФ-22031 русумли автомашинани 24.05.96 йилда, яъни 6 йилда ҳисобдан чиқарилганлиги эътирозга сабаб бўлиши тўғри, лекин бу ҳақдаги ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ келганлиги сабабли уларни нотўғри деб ҳисоблашимизга асос йўқ.

Шунингдек, хўжаликлар билан тузилган шартномаларни талаб қилинадиган даражада тўлиқ расмийлаштиришга эътибор қаратиш лозим.

1996 йил 20 июнда тузилган бартер асосидаги шартнома билан 1997 йил 3 февралда олинган 2 та автомашинани 1997 йил 6 мартда туман дезостанциясига ўтказилиб, ҳозиргача шартлашилган дезинфекция воситалари олинган эмас. Бу масалада олиб борилган ишлар амалдаги қоидаларга зид ҳисобланади.

Шу билан бирга СЭСда ишловчи ходимларнинг етишмаслигини ҳисобга олиб, мавжуд бўш ўринларни тўлдириш учун СЭС маъмуриятидан фаол ҳаракатлар олиб бориш талаб қилиниши лозим.

Қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчимизки, йўл қўйган камчиликлари учун Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туман СЭСининг бош врачи М. Қаюмов вилоят СЭСининг 1997 йил 10 апрелдаги 69 1-рақамли буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, вилоят СЭСига санитария врачи сифатида ишга ўтказилди.

Сирдарё вилоят СЭСининг бош врачи Х. Файзиевга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Вазир муовини
Б. НИЁЗМАТОВ.

«ЭГАСИЗ АРИҚ»

Ҳамза туман ҳокимияти томонидан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 12 апрель сонида чоп этилган «Эгасиз ариқ» сарлавҳали мақола кўриб чиқилди.

Мақолада кўтарилган масала тўғри ёритилган. Ҳозирги пайтда маҳалла қўмиталарига меҳнат биржалари томонидан қабул қилинган фаррошлар ва ишчилар кучи билан юқорида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди.

Ҳоким муовини
А. РАҲМОНОВ.

«КРЕДИТГА БЕРИЛСА...»

Газетанинг 1997 йил 17 апрель сонида чоп этилган «Кредитга берилса» сарлавҳали мақола тегишли раҳбарлар иштирокида атрофлича кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси пул кредит департаментининг нақд пул эмиссияси тўғрисидаги қарорига биноан касса тушуми режасини ўз вақтида бажариш мақсадида барча товарлар, шу жумладан техник товарлар ҳам нақд пулга сотилиши кўзда тутилганлигини инобатга олиб ҳозирги вақтда телевизорни кредитга бериш мумкин эмаслиги ҳақида муаллифга билдирилди.

Сурхондарё вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ.

«УСТА ОЛИМНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ҚАНИ?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 3 май сонида чоп этилган «Уста Олимнинг олтин медали қани?» мақоласи Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи ва унинг филиаллари ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинди.

Марғилон шаҳар «Адабиёт ва санъат» музейига Ўзбекистон халқ артисти Уста Олим Комиловга берилган «Олтин медаль» нафақахўр ўқитувчи Ҳамид Усмонов томонидан уста Олим Комиловнинг рафиқаси Бегимхон Комиловадан олиб келинган. Олиб келинган экспонат Ҳамид Усмоновнинг раҳбарлигида музейнинг кирим китобига №21/24 сонли тартиб рақами билан қайд этилган. Китобга киритилаётган вақтда унинг ҳажми 10х4 см. бўлган материал техникаси эса «материал ткан муляж» деб киритилган ва ёзилган.

Шу экспонат 1991 йил 11 март куни йўқолган. Ўша пайтда «Адабиёт ва санъат» музейида назоратчи вазифасида ишлаган Мавжуда Мадраҳимова, илмий ходим вазифасида ишлаган Холида Ғофурова ҳамда ўша пайтда мудир вазифасида ишлаган Деҳқонбой Тешабоевлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари сабабли вазифасидан бўшатилганлар.

Медални Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси И. Мамажонов ва Марғилон шаҳар назорат-тафтиш бошқармаси 1 тоифали назорат тафтишчиси И. Собиржоновлар 1996 йил 8 августдан 29 августга қадар тафтишдан ўтказилган пайтда ҳақиқатдан шу аниқландики медаль олтин эмас, 10х4 ҳажмдаги «материал тканидан тайёрланган муляж» бўлган.

Вилоят музейи ва унинг жойлардаги филиалларида музей экспонатлари— қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар қайтадан рўйхатдан ўтказилди. Янги экспонатларни рўйхатга олиш ҳамда сақлаш ишлари назоратга олинди ва ҳар қайси экспонат кўз қорачиғидай сақланмоқда.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи раҳбари
А. ҲАСАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ХАЗИНА-2» ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 1997 ЙИЛ 29—30 МАЙДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 50 млн. сўмлик 525000 та пул ютуқлари ўйналди. Ютуқ тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларига эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 004283, билет рақами 017 бўлган лотерея билети 1000000 сўмлик пул ютуғи ютганлиги кўрсатилган. Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори
004005	135*)	10000	004903	033*)	500	005758	1-200	200	006647	113*)	500	007191	061*)	10000
004011	1-200	100	004908	051*)	500	005770	147*)	500	006651	125*)	500	007198	074*)	500
004024	155*)	500	004911	181*)	500	005775	1-200	200	006652	1-200	100	007206	124*)	500
004048	031*)	500	004914	012*)	500	005785	1-200	100	006659	155*)	500	007207	064*)	500
004052	129*)	500	004918	143*)	500	005788	080*)	500	006668	189*)	500	007227	030*)	500
004054	171*)	5000	004931	1-200	100	005792	1-200	100	006673	148*)	500	007263	160*)	500
004059	191*)	500	004939	1-200	100	005794	065*)	500	006677	1-200	100	007286	136*)	500
004060	007*)	500	004957	061*)	500	005796	172*)	500	006683	1-200	200	007290	029*)	500
004085	098*)	500	004974	1-200	100	005802	058*)	500	006684	076*)	500	007298	102*)	500
004089	021*)	500	004978	139*)	500	005804	1-200	200	006703	046*)	500	007303	160*)	500
004114	1-200	100	004980	125*)	500	005806	1-200	100	006715	1-200	100	007319	155*)	500
004115	144*)	500	004987	168*)	500	005811	1-200	200	006716	113*)	500	007328	088*)	500
004117	020*)	500	004993	155*)	500	005814	197*)	500	006718	038*)	500	007331	1-200	100
004142	1-200	200	004997	154*)	500	005824	036*)	500	006720	1-200	100	007348	1-200	100
004143	076*)	500	004998	029*)	500	005831	097*)	500	006722	1-200	200	007350	1-200	100
004147	176*)	500	005003	1-200	200	005839	079*)	500	006729	1-200	100	007354	179*)	500
004148	145*)	500	005009	118*)	500	005842	062*)	500	006747	147*)	500	007356	079*)	500
004149	130*)	500	005020	1-200	100	005849	1-200	100	006749	177*)	500	007357	194*)	500
004158	1-200	100	005035	177*)	500	005850	034*)	500	006762	082*)	500	007364	188*)	500
004169	150*)	500	005038	1-200	100	005857	116*)	500	006764	039*)	500	007365	001*)	500
004175	135*)	500	005056	1-200	100	005859	078*)	500	006782	190*)	500	007392	1-200	100
004177	068*)	500	005060	1-200	100	005896	1-200	100	006791	066*)	500	007403	151*)	500
004211	1-200	100	005071	1-200	100	005901	166*)	500	006793	031*)	500	007407	112*)	500
004213	176*)	500	005076	044*)	500	005902	1-200	100	006795	020*)	500	007409	007*)	500
004221	148*)	500	005082	078*)	500	005912	161*)	500	006799	066*)	500	007420	176*)	500
004225	158*)	500	005084	092*)	500	005917	112*)	500	006801	103*)	500	007422	1-200	200
004227	1-200	100	005110	120*)	500	005939	146*)	500	006804	144*)	500	007426	154*)	500
004240	081*)	500	005119	160*)	500	005975	147*)	500	006808	138*)	500	007445	086*)	500
004251	069*)	500	005129	169*)	500	005981	088*)	500	006811	015*)	500	007449	007*)	500
004255	150*)	500	005133	1-200	100	005998	055*)	500	006818	1-200	100	007454	189*)	500
004257	1-200	100	005153	030*)	500	006020	001*)	700000	006845	196*)	500	007455	106*)	500
004268	084*)	500	005160	011*)	500	006021	088*)	500	006851	1-200	200	007470	027*)	500
004275	1-200	100	005161	129*)	500	006026	153*)	500	006852	140*)	500	007473	1-200	100
004283	017*)	1000000	005172	078*)	500	006028	063*)	500	006859	187*)	500	007481	058*)	500
004286	152*)	500	005179	1-200	100	006032	072*)	500	006862	002*)	500	007483	046*)	500
004290	037*)	500000	005189	107*)	500	006033	178*)	500	006880	184*)	500	007518	198*)	20000
004303	073*)	500	005193	1-200	100	006039	026*)	500	006886	115*)	5000	007549	082*)	10000
004305	075*)	500	005200	153*)	500	006042	179*)	500	006888	1-200	100	007607	178*)	500
004308	1-200	100	005218	1-200	100	006043	175*)	500	006890	020*)	500	007610	194*)	500
004317	060*)	500	005222	1-200	100	006045	1-200	200	006891	1-200	100	007611	040*)	500
004321	117*)	500	005226	019*)	500	006060	052*)	500	006896	113*)	500	007625	151*)	500
004333	037*)	500	005231	1-200	200	006062	186*)	500	006897	148*)	500	007626	185*)	5000
004336	1-200	100	005235	053*)	500	006066	065*)	500	006901	193*)	500	007627	051*)	500
004343	1-200	100	005240	130*)	500	006089	098*)	500	006912	073*)	500	007642	113*)	5000
004353	155*)	500	005244	024*)	500	006110	165*)	1000	006922	1-200	200	007643	1-200	200
004358	167*)	500	005260	1-200	100	006122	112*)	500	006925	1-200	100	007648	198*)	500
004360	113*)	500	005263	017*)	1000	006125	091*)	500	006935	1-200	100	007668	133*)	500
004369	1-200	100	005266	041*)	500	006127	1-200	100	006936	119*)	500	007669	1-200	100
004385	101*)	500	005268	198*)	500	006132	160*)	500	006944	129*)	500	007672	1-200	100
004389	139*)	500	005279	1-200	100	006134	089*)	500	006946	095*)	500	007677	174*)	500
004410	057*)	500	005283	035*)	500	006140	1-200	100	006947	1-200	200	007687	1-200	100
004414	1-200	200	005284	066*)	500	006159	196*)	500	006952	1-200	200	007695	033*)	500
004416	029*)	500	005285	1-200	100	006160	033*)	500	006955	025*)	500	007698	037*)	1000
004422	013*)	500	005289	1-200	100	006175	1-200	100	006966	087*)	500	007704	155*)	500
004427	053*)	500	005290	137*)	500	006176	013*)	500	006988	1-200	200	007721	1-200	100
004438	1-200	100	005291	1-200	200	006181	176*)	500	006994	027*)	500	007746	113*)	500
004445	1-200	100	005292	050*)	500	006184	1-200	100	006999	093*)	1000	007759	029*)	500
004456	168*)	500	005298	095*)	500	006206	146*)	500	007001	167*)	5000	007769	170*)	500
004459	024*)	500	005301	140*)	500	006212	061*)	500	007012	1-200	100	007770	135*)	500
004467	023*)	500	005308	057*)	500	006220	1-200	100	007018	043*)	500	007776	002*)	500
004476	061*)	500	005320	165*)	500	006223	068*)	500	007032	116*)	500	007780	1-200	200
004507	1-200	100	005330	1-200	100	006237	1-200	100	007037	014*)	1000	007781	072*)	500
004515	171*)	500	005370	1-200	100	006244	003*)	500	007040	182*)	500	007788	132*)	500
004519	1-200	200	005388	026*)	500	006250	1-200	100	007049	155*)	500	007790	198*)	20000
004531	103*)	500	005399	191*)	500	006251	059*)	500	007054	1-200	200	007801	059*)	500
004537	035*)	500	005400	109*)	500	006257	143*)	500	007068	1-200	200	007805	048*)	500
004542	158*)	500	005402	188*)	500	006262	116*)	500	007072	017*)	500	007824	036*)	500
004543	1-200	100	005403	121*)	500	006264	096*)	200000	007076	021*)	500	007829	1-200	100
004546	184*)	500	005408	199*)	500	006290	042*)	500	007078	022*)	500	007833	030*)	500
004549	189*)	500	005415	048*)	500	006298	111*)	500	007082	1-200	100	007836	023*)	500
004551	197*)	500	005416	196*)	500	006304	106*)	500	007089	139*)	500	007847	084*)	500
004567	1-200	100	005417	055*)	500	006306	135*)	500	007092	1-200	200	007866	1-200	100
004578	087*)	500	005423	154*)	500	006307	022*)	500	007095	1-200	100	007875	078*)	500
004585	1-200	100	005430	135*)	500	006309	072*)	500	007096	110*)	500	007879	111*)	500
004599	199*)	500	005432	137*)	500	006312	036*)	500	007099	159*)	500	007901	1-200	100
004612	185*)	500	005441	1-200	100	006323	1-200	100	007100	099*)	500	007903	099*)	500
004619	105*)	500	005449	049*)	500	006334	168*)	500	007117	035*)	500	007913	058*)	500
004641	074*)	500	005450	006*)	500	006352	015*)	500	007135	070*)	500	007916	062*)	500
004649	079*)	500	005459	145*)	500	006372	120*)	500	007139	103*)	500	007926	098*)	500
004658	1-200	200	005460	032*)	500	006373	1-200	200	007147	1-200	100	007934	136*)	500
004660	104*)	500	005461	065*)	500	006375	068*)	500	007153	120*)	500	007935	1-200	100
004662	141*)	500	005467	069*)	500	006379	1-200	100	007155	024*)	500	007938	106*)	500
004666	1-200	100	005469	169*)	500	006381	126*)	500	007156	016*)	500	007943	1-200	100
004671	095*)	500	005470	190*)	500	006396	131*)	500	007157	187*)	500	007944	140*)	500
004673	157*)	500	005478	1-200	100	006401	070*)	500	007158	195*)	500	007946	183*)	500
004679	156*)	500	005493	121*)	500	006413	1-200	100	007165	148*)	500	007952	1-200	100
004682	063*)	500	005498	015*)	500	006417	073*)	500	007166	121*)	1000	007957	152*)	500
004688	1-200	200	005500	1-200	100	006419	080*)	500	007167	1-200	100	007966	1-200	100
004707	164*)	500	005502	183*)	500	006440	1-200	100	007172	169*)	500	007975	113*)	500
004711	128*)	500	005521	162*)	500	006449	136*)	10000	007175	162*)	500	007983	1-200	100
004713	174*)	1000	005522	1-200	200	006453	1-200	100	007177	036*)	500	007989	035*)	1000
004730	058*)	500	005525	075*)	500	006457	143*)	500	007179	110*)	500	007994	1-200	100
004738	1-200	100	005527	087*)	500	006491	098*)	500	007189	1-200	100	007998	180*)	500
004750	044*)	500	005531	133*)	500	006498	175*)	500						
004767	020*)	500	005537	068*)	500	006517	167*)	500						
004774	036*)	500	005544	036*)	500	006522	182*)	500						
004782	1-200	100	005559	181*)	500	006525	022*)	500						
004791	098*)	500	005560	178*)	500	006532	123*)	500						
004797	021*)	500	005568	1-200	100	006533	1-200	200						
004800	1-200	100	005570	095*)	1000	006534	135*)	500						
004803	1-200	100	005587	1-200	100	006546	1-200	100						
004806	1-200	100	005588	006*)	500	006548	1-200	100						
004825	183*)	50000	005627	118*)	500	006550	143*)	500						
004833	131*)	500	005648	013*)	500	006563	200*)	500						
004836	022*)	500	005655	1-200	200	006572	131*)	500						
004837	181*)	50000	005668	016*)	500	006582	165*)	500						
004841	045*)	20000	005680	086*)	500	006591	029*)	500						
004845	1-200	100	005687	194*)	500	006598	186*)	500						
004861	164*)	500	005696	128*)	500	006610	018*)	500						
004867	177*)	500	005709	171*)	500	006616	089*)	500						
004876	1-200	100	005749	182*)	500	006624	182*)	500						
004886	1-200	100	005754	029*)	500	006626	1-200	200						
004887	182*)	5000	005756	079*)	100000	006639	185*)	500						

*— *) Қолган 199 тасига 50 сўмдан ютуқ чиқди.*

— 5000 сўмгача миқдордаги ютуқлар Халқ банкининг барча муассасаларида тўланади.

— 5000 сўм ва 5000 сўмдан юқори ютуқлар лотерея чипталари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан олдиндан текширилгандан кейин тўланади.

Ютуқ чипталари ҳақ тўлашга 1997 йил 30 ноябргача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея чипталари ўз кучини йўқотади ва ҳақ тўлашга қабул қилинмайди.

Алишер ЭРГАШЕВ — Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари. (Тираж комиссиясининг раиси).

Миргози КАРИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқарувининг масъул ходими. (Тираж комиссиясининг масъул котиби).

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 3-iyun, seshanba № 64 (22.148).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«МУШТУМ»НИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Журналнинг янги сонида

Республикамизда яккаю-ягона ҳажв ва кулги журналимиз «Муштум»нинг навбатдаги янги — 5-сони босмадан чиқди.

Қаҳқаҳаю кулгига бой барча асарлар муштумхонларнинг кўнглини чоғ, кайфиятини аъло қилиши шубҳасиздир.

Журналнинг ушбу сонида таниқли шоирларимиз, қизиқчиларимиз, фельетончи ва адабиётшуносларимизнинг теша тегмаган ҳангомаю ҳажвияларини мазза қилиб ўқийсиз.

Машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг тиши тушган болакайдан нимани сўрагани, республика Давлат солиқ қўмитасининг биринчи ўринбосари Муродилла Қуроловнинг «Жазодан қутулолмайсиз» деб кимларга айтаётганини, Усмон Азимнинг «Муштум» учун махсус ёзилган «Панорама»сини ўқиб, поранинг қандай «бериш-олиш» йўлларини, Низомиддин Маҳмудовнинг «Майизнинг чўпи» қанақа бўлишлигини, Шоди Мардиевнинг «Эркатойнинг жилови кимнинг қўлида»лигини, Мурод Калонхоннинг «Ўн бир йиллик можаро»си нелигини, Нуриддин Очиловнинг «Кўчада қолган одам»и кимлигини, Ҳамроқул Асқарнинг «Қишлоқ оқшомида» нималар қилганини билмоқчи бўлсангиз тезроқ журнални варақланг! Барча-барчасига жавоб топишингиз тайин.

Бундан ташқари Латиф Замоннинг «Телевизион антиреклама»ларини, риштонлик қизиқчи Абдураҳмон Сиддиқовнинг ҳаётий ҳангомаларини, Илҳом Зойирнинг «Тузланган ва тузланмаган гаплар»ини, Толиб Йўлдошнинг «Кўнгилга урди»сини, О. Бековнинг «Латифанамо шов-шувлари»ни ўқиб кулмасангиз ҳам ичакларингиз ошқозонингизга салла бўлғусидир.

«Телеанкета» жавоблари, «Миттивой» — болаларга аталган ҳазил шеърларда ҳам муштумона руҳ сезилиб туради. Муштумчи рассомлар мўйқаламлари ушбу сонни ҳам яшнатиб турибди. М. Эшонқулов, Ҳ. Содиқов, О. Восихонов, З. Усмонов, Ҳ. Ниғмонов каби рассомларнинг масхарабозликарикатуралари ўзининг қулгили, ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳадага чорловчи асарлари ушбу сонда ҳам муштумхонларга мунтазир.

А. НАРЗУЛЛАЕВ.

Илк учрашув

ВАТАН ЗИЁСИ

Самоларга кўзларим тикаман ҳар дам,
Фалак узра бахт юлдузидек порлабсан.
Сен Турон фарзанди энг бахтли одам,
Юртбошим бор экан яшнайвер Ватан.

Иқтисод илмининг мураббийсисан.
Халқингнинг ҳақиқий йўл бошчисисан,
Ютуғинг олқишлар жона-жон Ватан.
Юртбошим бор экан яшнайвер Ватан.

Маънавият илми муқаддас калом,
Ўзбекни оламга танитдинг тамом.
Юртим ўзинг қуёш эрурсан мудом,
Юртбошим бор экан яшнайвер Ватан.

Истиқлол юртисан жон Ўзбекистон,
Таърифингга лолдур жумлайи жаҳон.
Бағрингда халқларинг бахтиёр омон.
Юртбошим бор экан яшнайвер Ватан.

Абдураҳмон ХОЛМУРОДОВ.

Футбол

МАВҚЕ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларини бешинчи гуруҳда давом эттираётган мамлакат бош терма жамоаси мавқеини янада мустаҳкамлади. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни Индонезия сафарида ўтказдилар. Муҳлислар бу учрашувдан андак хавотирда эдилар. Боиси, мазкур жамоа гуруҳ ғолиби бўлишга даъвогарлардан саналади. Шунинг учун ҳам ишқибозлар футболчиларимизга аввало ғалаба ёки бўлмаса дуранг ҳисобини раво кўргандилар. Шундай ҳам бўлди. Учрашувнинг биринчи қисмидаёқ майдон эгалари 11 метрли нуқтадан ҳисобни очдилар. Танаффусдан кейин эса Олег Шацких ҳисобни тенглаштирди. Шундай қилиб, бош жамоамиз уч ўйиндан 7 очко жамғариб, пешқадамликка кўтарилди.

Ўйлаймизки, футболчиларимиз ўз ўрнини топди. Қолган ўйинларни бўшаштирмай, гуруҳ ғолиби сифатида саралаш ўйинларининг иккинчи босқичига йўлланма оладилар. Яман жамоаси ҳисобида ҳам 7 очко бор. Индонезия 6 та очко билан 3-бўлиб турибди. Комбоджа битта очкога эга. 13 июнда Яман-Комбоджа, 20 июнда Ўзбекистон — Индонезия учрашувлари бўлади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухородa — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЎЎЛДОШЕВА, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Эҳтиром

ҚЎШИҚ БЎЛИБ ТУҒИЛГАН

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам у, қўшиқ бўлиб туғилгандай. Ўйлаб қарасангиз, гўё ҳеч ким англай олмаган сеҳрли бир дунёга ўхшайди. Овоз деган шунчалик ҳам ёқимтой, майин, мусиқий бўлурми? Қўшиқ айтганда хаёлингни тўзғитиб, аллақаерларга олиб кетгандай. Тўлқинланиб, ҳаяжонга тушиб кетасан киши. Эзгулик, меҳр-муҳаббат, шафқат туйғуларини уйғотади дилингизда. Ҳатто тошюраклар ҳам унинг хонишидан бир дақиқа ларзага келиб, эзгуликка интилса ажаб эмас.

Мусиқа бўйича мутахассис эмасман. Фақат яхши куй, қўшиқ, мусиқа шайдосиман. Уйимда магнитафон тасмаларига ёзилган қўшиқлар хазинаси бор. Ўша хазинадаги ноёб қўшиқларнинг бир қисми элнинг севимли қўшиқчиси Саодат Қобуловага тегишли. Баъзан сокин кечалар ўша куй-қўшиқларни тинглаб, ажиб бир эзгулик оламига меҳмон бўлгандек ҳис этаман. Ғазалхон шоирлар билан мулоқотдадек сезаман ўзимни.

Ҳа, кўнгил шишаси деймиз, уни дуторнинг торига ўхшатамиз. Инсон кўнглидек нозик нарса дунёда йўқ. Дунёдаги энг кенг, саховатли, мурувватли нарса ҳам, энг тор, жоҳил, қайсар нарса ҳам кўнгилдир. Кўнгил бир синмасин, озор чекмасин, ёки тори узилмасин, қайтариб жойига келтириб бўлмас. Мавлоно Лутфий ҳазратларининг «Бу кўнгул» қўшиғида айтилганидек, Шайдо қиладиган ҳам, хору-расво қиладиган ҳам кўнгилдир.

Саодат Қобулова нозик табиат, ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам эзгуликка ташна санъаткордир. Лутфийнинг ўша «Бу кўнгил»ини айтганда ғазалнинг ич-ичига кириб кетгандай, қўшиқ соҳиби билан бирга нафас олаётгандай туйилади сизга.

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдир, бу кўнгул.
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдир, бу кўнгул...

Мавлоно Лутфийнинг бу нозик ғазалини Саодат Қобуловага етказиб айтадиган қўшиқчи ҳали йўқ, десам хато бўлмас. Шу хусусда сўз бошлашимнинг боиси ҳам, менинг битаётган ушбу сатрларим ҳам ҳушовоз хонанда Саодат Қобулова ҳақидадир. Ажабким, мен севиб эшитадиган, оламолам — роҳат бахш этадиган бу хонанда радио ёки ойнаижаҳонда пайдо бўлганда барча ишларимни йиғиштириб қўйиб, қўшиққа маҳлиё бўлганча хаёлга чўмаман.

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим?
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмидим...

Шоири замон Фузулий ҳазратлари битибдилар-ку, Саодат опа маромига етказиб қойил мақом қилиб айтиб қўйибди-я! Қани энди бир мўъжиза рўй берсаю, Фузулий қайтиб тирилиб ўзи ёзган шу дилбар ғазални шу дилнавоз хонанда қўшиқчи Саодат опа ижросида эшитса эди...

«Бу кўнгул», «Этмасмидим» қўшиқлари Саодат Қобулованинг кейинги йилларда ақл-заковат ёшида ижро этган ашулаларидан. Лекин шу ёшда ҳам санъаткорнинг овозида унча ўзгариш сезилмайди, гўё қўшиқчи бу икки ғазал ижросини шу ёшига қадар айтмай, авайлаб сақлаб келаётганидек туйилади сизга, сўзлар талаффузи, аниқлиги, овоздаги нозик мусиқийлик тингловчига беҳад ҳузур, руҳий роҳат бахшида айлайди.

Баъзи санъаткорлар саҳнада, радиода, телеэкранда қўшиқ айтганда, айниқса қадимий қўшиқларимизни талаффуз этганларида сўзларни бузиб, нуқта, вергулларига эътибор ҳам қилмай ноёб, тенгсиз ғазалларни бузиб ижро этадилар. Баъзан талаффузнинг ёмонлиги туфайли ғазал мисраларини тушуна олмайсиз.

Иттифоқо радиога бориб қолган эдим, ширинсухан ажойиб шоиримиз Туроб Тўла бир хонандани қуйиб-ёниб қойиб турганининг устидан чиқиб қолдим.

— Биласанми, бу ғазални ҳазрат Навоий кўз нури, қалб қўри билан битган. Узоқ кечаларни бедор ўтказган. Ҳар бир сўз, жумла, ҳар бир мисра устида қунт билан ўтириб қанча кечаларни бедор ўтказган. Сен бўлсанг, ўзингча ғазал сўзларини бузиб айтмоқдасан. Талаффузинг ҳам менга ёқмайди. Нима деяётганингни англаб бўлмас, худди қовоқ арининг ғўнгиллашига ўхшайди. Яхшиси, сен бу қўшиқни айтмай қўяқол, — деди шоир ғазаб билан, хонандага.

Ҳақиқатдан ижрочилик маҳоратининг асосида куй билан сўзнинг ҳамоҳанглиги бор. Мусиқа ғазалга мазмун бахш этади. Ғазал мусиқани яна ҳам жонлантириб юборади.

Суҳбат чоғида Саодат Қобулова шу воқеани эслаб ўтди.

Саодат Қобулованинг Навоий, Фузулий, Лутфий, Нодира, Зебинисо ва бошқа классик шоирларимизнинг ғазалларини қўшиққа солганда ҳар бир сўз, мисра аниқ, равшан талаффуз этилади. Қани энди шоир ғазалини ҳар бир банду, мисрасини музика жўрлигида ширали нозик овоз билан тингласангиз. Санъаткорнинг маҳорати, кучи-қудрати ҳам шунда.

Саодат Қобулова ҳикоя қиладиган:

«Отам раҳматли Марғилондаги санъаткорлар билим юртида турли созлар чалиб юрардилар. Асли касблари косибчилик эди. Аммо санъатга меҳр қўйган ҳавасли инсон эдилар. Кичкинагина хонадонимизга санъаткорлар, қўшиқчилар, аскиячилар тез-тез келиб туришарди. Бир гал нима бўлди-ю уйимизга Усмон Юсупов ташриф буюрдилар. Усмон ота ҳақиқий санъат мухлиси эдилар. Шунда ул ҳурматли зотга кўнглимдан чиқариб бир қўшиқ айтиб берганман. Менинг овозим Усмон акага ёқиб қолди, шунда ота: «Қизим, сен албатта ўқишинг керак» деб қолдилар. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 1941 йил иқтидорли ёшларни тўплаб, Москвага Чайковский номли консерваториянинг миллий бўлимига ўқишга кетганмиз. Ўша ёшлар орасида Мутал Бурхонов, Шоҳодат Раҳимова Саттор Ярашев, Асад Азимов, Дони Зокиров ва бошқа санъаткорлар бор эдилар. Қичкинагина эътибор мени ҳам келажак хаётимга, санъат оламига кириб келишимга сабаб бўлган. Ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтдик. Бўлмаса ўшанда урушнинг оғир йиллари эди. Аммо шундай шароитда ҳам бизлар эътиборсиз қолмадик. Тошкентга келганимизда уй-жой, иш ҳаммаси муҳайё эди.

Ёдимда, ўша йиллари Муқимий номидаги музикали драма театрида «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон» музикали драмалари қўйилганда, биласизми, театрлар ғоят гавжум, одам аримас, чипталар аллақачонлар сотилиб бўлган, етишмасди. Санъатимиз даргаларидан бири Тўхтасин Жалиловнинг ижодий камолот йиллари. У ҳаммамиз учун ҳақиқий устоз, шогирдлари уни эъзозлаб «уста» деб улуғлашарди. Ноёб талант соҳиби эди ҳассос муаллимимиз. Эсимизда бўлса, тенгсиз ғазалхон шоир, драматург Собир Абдулла ёзган «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасининг дилрабо қўшиқларини халқ ёдлаб, тўйларда, учрашув кечаларида, хатто кўча-куйларда ҳам бемалол айтиб юришарди. Ўшанда Тўхтасин Жалиловнинг қўшиқлари оммалашиб кетганлиги ёдимда. «Отмагай тонг», «Ҳар қачон» қўшиқларини билмаган одам йўқ эди десак хато бўлмас. «Тоҳир ва Зуҳра»даги «Тўйлар муборак» қўшиғи мана неча йиллардирки, қаерда бахтиёр ёшларнинг тўй маросимлари бўлса, ўша куй ҳам, қўшиқ ҳам ҳаяжон билан ижро этилади. Санъатнинг кучи, қудрати ҳам шу бўлса керак».

«Тоҳир ва Зуҳра»да Саодат Қобулова ўйнаган роллар ҳамон одамлар қалбида. Вафодор Қамар ёки Хоразм шоҳи қизи Моҳин сиймосини ким эсламайди дейсиз? Кейин санъаткор Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида етакчи хонанда сифатида қатор сиймолар галереясини яратдики, бунда қадимий миллий мусиқамиз билан янги замоннинг ҳамоҳанглиги яққол сезилиб турарди. «Гулсара», «Зулматдан зиё», «Бўрон», «Улуғ канал», «Майсаранинг иши», «Дилором» «Зайнаб ва Омон» операларида Саодат Қобулова ижро этган ролларнинг ҳар бирида санъаткорнинг маҳорати сезилиб турарди.

Шўролар даврида, санъатга «партиявий» руҳ берилган замонларда ҳам, Саодат Қобулова миллий анъаналаримизга ҳамиша содиқ қолди. Санъатнинг олий чўққиси деб баҳоланган опера саҳнасида ҳам миллий, классик мусиқамизни ёдда тутди, мақом йўлларини унутмади.

«Мақомнинг қачон пайдо бўлганлиги, уни ким яратганлиги бизга маълум эмас, — дейди Саодат опа суҳбат чоғида. Мақом жафокаш халқимиз юрагидаги дардлари, эзгу ниятлари, орзуларининг ифодаси. Уни халқнинг ўзи, эл ичидан етилиб чиққан бизга маълум бўлмаган мусиқашунослар, ҳофизлар яратишган. Мақом унларида, авжу, даромадларида уларнинг исм-шарифларигина қолган, холос. Устоз созанда, бастакор Юнус Ражабийга минг таҳсин ва офаринлар бўлсинки, мақом куйларини бир жойга жамул-жам айлаб, ўлмас китоб яратиб кетди.»

Ҳақиқатан ҳам, мақом куйлари қалбимизга киндик қони билан йўғрилган, она сути билан кирган. Унинг аввалию интиҳоси ҳам йўқ сўнгсиз самовий қўшиққа ўхшайди. Асрлар давомида тиллардан-тилларга, дилдардан-дилларга ўтиб, то бизнинг замонамизга қадар етиб келди. Миллий ифтихоримиз, ноёб бойлик, тенгсиз бебаҳо хазина.

Саодат Қобулова ота-боболаримиз мактабини давом эттириб, классик куйларимизни ижро этишда ўзига хос бир мактаб яратган санъат соҳибаси. Хонанданинг севиб эшитадиган шинавандалари, мухлислари беҳисоб. Унинг шахсий хазинасида ихлосмандлар, эҳтирос билан ёзилган мактублар кўп.

«Ҳолимни забун этган, мастона қаро кўзлар». Шу қўшиқни жуда-жуда яхши кўраман. Айниқса уни Саодат Қобулова ижро этса, деб ёзади Юнусобод қишлоғида яшовчи Рустам Абдураҳмонов. Қўшиқни тинглаб туриб ўйга толаман, ажабо, қўшиқ ҳам шунчалик дилбар бўладими деб. Куй ҳам, сўз ҳам, ижро ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб кетгандай.

«Нега шу қўшиқни магнитафонимга ёзиб олмаган эканман», деб афсусланаман. Шундан сўнг магнитафонимни ёзишга шайлаб қўйдим. Радиода ўша мен севган қўшиқни айтилишини кутдим. Балки бу қўшиқни радиода онда-сонда беришса керак. Шу баҳона Саодат Қобуловнинг янги қўшиқларини ёзиб олдим.»

Яна бир хат, буни қўқонлик Ўктамхон Обидова ёзиб юборган:

«Мен Саодат опа ижро этган қўшиқларни тинглаганимда гўё ҳаётга қайта туғилгандай ҳис этаман ўзимни. Бир куни ҳовли супуриб тургандим, радиода «Дугоҳ»ни айтиб қолдилар. Супургини қўйиб, ариқ бўйида хаёлга чўмганча ўтириб қолибман. Қўшиқ тугагандан кейин ҳам ўрнимдан туролмай хаёл дунёсига чўмиб кетибман. Ўша куни негадир кечгача хаёлларим тўзғиб юрди...»

Аёл кишининг ёшини айтилмагани маъқул дейишади одамлар. Саодат Қобулова ҳозир балоғат, ақл-идрок ёшида. Уни ҳали айтилмаган қўшиқлари кўп. Келинг, ажойиб, севимли хонандамизни муборак ёшлари билан табриклайлик. Деймизки, Сиз ҳаётга қўшиқ бўлиб туғилгансиз, ва шундай бўлиб қоласиз.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

БАРЧА ИМТИЁЗЛАР СОҲИБИ



Шатранж оламида

Мамлакатимиз етакчи шахматчиларининг навбатдаги 62-анжумани ниҳоясига етди. Камина ана шундай чемпионатларнинг 50 дан ортиғига жонли гувоҳман. Шулардан 15 тачасида иштирокчи сифатида, 30 тачасида бош ҳакам, қолганларида эса мутасадди ёки ташкилотчи сифатида қатнашиб, энг кучли шахматчиларимиз ўртасида давом этган қизғин ва кескин баҳслар хусусида муайян тасаввурим бор. Агар 50-йилларда ёшлар орасидан спорт усталиги учун кўпроқ номзодлар тайёрлаш вазифаси қўйилган бўлса, 60-70-йилларда спорт усталарини тайёрлаш асосий мақсадга айланган эди. Мана, энди эса республикамиз етакчи шахматчилари орасидан иқтидорли ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган, яъни нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз орияти учун бемалол баҳс юрита оладиган гроссмейстерларга эга бўлиш вазифаси кўндаланг турибди.

Ниҳоясига етган чемпионат бу йўлдаги ишонарли қадам бўлди, десак арзийди. Республика шахмат клуби биносида 2 ҳафтадан ортиқ давом этган муросасиз курашлар оқибатида 18 ёшли тошкентлик халқаро мастер Рустам Қосимжонов ўз олдига қўйган вазифаларни аъло даражада уддалади: 13 имкониятдан 10 очко жамғариб, Ўзбекистоннинг навбатдаги чемпиони бўлди. Бу орада қандай воқеалар юз берди, деб сўрарсиз? Айрим эпизодлардан бири шундай. Мусобақанинг 10-куни ўйналган А. Ненашев — Р. Қосимжонов партияси ўша кунги, балки бутун турнир давомидаги учрашувларнинг марказида бўлганлиги муқаррар.

Бу учрашувда ким енгиб чиқса ўша чемпион бўладигандек эди. Рақибидан анчагина ёшроқ Рустамнинг вазифаси оғир эканлигини унинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам яққол сезиб турарди. Кўп марта республика чемпиони, рейтинг даражаси бўйича дунёнинг етакчи гроссмейстерлари сафидан жой олиб турувчи Александр Ненашевга қарши дона суриш, бунинг устига қора доналарни муваффақиятли ҳаракатга келтириш осон иш эмас, албатта. Тахтада назарий жиҳатдан турлича баҳсларга сабаб бўлаётган кўриниш юзага келди. Вазиятни ўзича талқин қила бошлаган Рустам тахтанинг фарзин қанотида ташаббусни қўлга киритиб, оқ шоҳни рокировкадан маҳрум қилишга эришди.

Бунинг натижасида кучлари бўлиниб қолган гроссмейстер исканжадан чиқиш учун қанчалик ҳаракат қилмасин, бу уринишларнинг барчаси зое кетди. Қораларнинг барча сипоҳлари оқ шоҳ қароргоҳига шундай тазйиқ кўрсата бошладики, улардан қутулишнинг иложи бўлмай қолди. 26-юришда Ненашев таслим ишорасини қилиб, ёш ҳарифини ғалаба билан табриклади.

Шундан кейин Қосимжонов бирин-кетин очколарни қўлга киритиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. У 13 учрашувдан 7 тасини ютиб, 5 тасини дуранг қилди. Бирорта учрашувни ҳам бой бермади. Энди ҳамма имтиёзлар унинг қўлида: республика чемпионлиги ҳам, гроссмейстерлик учун 2 балл ҳам, 1000 доллар қийматидаги бош соврин ҳам унинг ихтиёрида.

Ғалаба учун асосий даъвогарлардан бўлган халқаро мастер Владимир Егин билан Александр Ненашев 9 тадан очко тўплаб, 2-3 ўринларни баҳам кўрдилар. Улардан 1 очко ортда қолган халқаро мастерлар Тоҳир Воҳидов билан Дмитрий Қаюмов 4-5 ўринларни бўлашиб олдилар. 7,5 очко жамғарган ўтган йилги республика чемпиони, гроссмейстер Сайдали Йўлдошев олтинчи, 7 очко олган самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин 7-бўлди. Жадвалнинг 1-ярмини банд этган бу етти шахматчи Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшмаси, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Давлат спорт қўмитаси таъсис этган қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

СУРАТДА: ғолиб Р. ҚОСИМЖОНОВ.

ПАРИЖ КЎРГАЗМАСИГА ТАРАДДУД

Қадимий шаҳарларимиз — Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигига бағишлаб Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида ўтадиган юбилей тадбирларига қизғин тараддуд кўриляпти. Чунончи, «Ўзэкспомарказ»да Париж кўргазмаси экспонатлари тахт қилинмоқда.

Бўлажак кўргазма 400 квадрат метр жойни эгаллайди. Уч бўлимдан иборат кўргазмада 300га яқин экспонат намойиш этилади. Кириш қисмида қадимий шаҳарлар — Бухоро ва Хеванинг тарихи ҳақида маълумотлар олиш мумкин бўлади. Иккинчи бўлимда эса Бухоро ва Хева экспозицияси намойиш этилади. Кўргазманинг учинчи бўлимида нодир фотосуратлар кенг ўрин олади.

Париж кўргазмасида эрамиздан олдинги учинчи асрга тааллуқли Юнон — Бақтрия тангалари, кулолчилик буюмлари, тилла тақинчоқлар, сўзаналар, зардўзлик либослари, ганчкорлик ва ўймакорлик маҳсулотлари, сопол идишлар, турли осори-атиқалар намойиш этилади. Экспонатлар Ўзбекистон давлат Санъат музейи, Миллий тарих музейи, Бухоро вилоят давлат меъморчилик бадиий музей-қўриқхонаси ва «Ичонқалъа» музей-қўриқхонаси томонидан сараланган.

Алишер РЎЗИЕВ.

Шунақасиям бўлади

БЕШ ОЁҚЛИ МУШУКЛАР

Нью-Мехико ҳайвонот оламида ғалати воқеа рўй берди. Ҳайвонот оламидаги бундай ғайриоддий кўпайишни мутахассислар ҳам изоҳлаб беришга ожизлик қилмоқда. Чунки юзлаб беш оёқли мушуклар туғиляпти.

Статистик маълумотларга қараганда охирги тўрт ойдаёқ Нью-Мехикода 371 та шундай мажруҳ мушуклар пайдо бўлди. Улар махсус клиникаларда сақланаётир.

Ҳайвонот оламидаги бу ҳалокат сабаблари махсус комиссия томонидан ўрганиляпти.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партия Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Х. Асановга ўғли **Рустам АСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман давлат солиқ инспекцияси жамоаси давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг муовини Б. С. Асамовга отаси **Салоҳиддин Асамович АСАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.